

Узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда, «**Таъминотчи**» томонидан ҳисоб-китоб ойда ҳақиқатан етказиб берилган газ ҳажми суммасига хизмат кўрсатувчи банк орқали «**Истеъмолчи**»га тўлов талабномалари берилади.

Агарда тўлов талабномалари «**Истеъмолчи**» айби билан талабнома берилган кундан бошлаб 3 банк куни мобайнида бажарилмаса, «**Истеъмолчи**»га газ етказиб бериш тўхтатилади.

3.4. Табиий газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиликка асосан белгиланади.

3.5. Агарда «**Истеъмолчи**»нинг айби билан шартномада кўрсатилган газ ҳажми тўлик истеъмол қилинмаган бўлса, «**Истеъмолчи**» томонидан аванс шаклида тўланган пул маблағи истеъмол қилинмаган газ учун қайтарилмайди, балки у келгуси ойнанинг ҳисобига киритилади.

«**Истеъмолчи**»нинг табиий газ учун муддати ўтиб кетган қарздорлиги мавжуд бўлганда унинг томонидан аванс тўлови сифатида ўтказилган маблағлар муддати ўтиб кетган қарзни қоплашга йўналтирилади, ҳамда аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

3.6. «**Истеъмолчи**» ёки «**Таъминотчи**» нинг тўлов реквизитлари ўзгарганида улар бир-бирларига дарҳол хабар беришлари керак.

3.7. Саноят ва коммунал-маиший корхоналар (бюджет ташкилотларидан ташқари) олинган газ миқдори тўғрисидаги маълумотларни жорий йилнинг 28 кунидан 30-31 кунигача, газ босими ва ҳарорати бўйича тузатиш киритувчи (блок коррекция)си мавжуд бўлган электрон газ ҳисоблагичга эга корхоналар эса кейинги ойнанинг беш кун мобайнида белгиланган тартибда расмийлаштирилган газни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида таъминотчига тақдим этади. Ҳисоб – китоб ойнанинг 10 кунигача тўлик амалга оширилади.

Агар узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда газ билан таъминловчи ташкилот ва ҳудудий газ билан таъминловчи корхоналар газни қабул қилиш –топшириш далолатномалари асосида, хизмат кўрсатувчи банклар орқали, ўтказилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда, ҳисоб китоб ойда амалда етказиб берилган газ қиймати суммасига тўлов талабномалари берилади.

«**Таъминотчи**» томонидан етказиб берилган табиий газнинг аниқланган миқдорига норози бўлган «**Истеъмолчи**» 10 кун ичида «**Таъминотчига**» ўз норозилиги ҳақида мурожаат қилади. 10 кун муддат ўтганидан сўнг, «**Истеъмолчи**» томонидан қилинган эътирозлар қабул қилинмайди.

4. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. «**Истеъмолчи**» жорий йилнинг 15 июл кунидан кечиктирмай келгуси йилда истеъмол қилинадиган газ учун «**Таъминотчи**» га ўрнатилган тартибда буюртма бериши шарт. Буюртмада табиий газ истеъмолининг чораклар бўйича миқдори акс эттирилиши керак. Зарур ҳолатларда буюртмадаги газ ҳажмига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш мумкин ва уларни жорий йилнинг 1 сентябр кунигача тақдим қилиш керак.

4.3. Табиий газ етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомда кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

4.4. «**Истеъмолчи**» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги табиий газни етказиб бериш миқдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «**Таъминотчи**»ни буюртманомда кўрсатилган ой (чорак) бошланишидан камида 10(ўн) кун олдин хабардор қилади.

4.5. «**Таъминотчи**» Табиий газ қабул қилиш ва бериш тартибининг ўзгарганлиги (магистрал газ қувурлари, газ тармоқлари, газ кириш қисмининг авария чегаралаш тугунларида содир бўлган носозликлар ва бошқа ҳолатлар) тўғрисидаги маълумотлар тўғрисида «**Истеъмолчи**»ни диспетчерлик алоқа каналлари орқали хабардор қилишлари шарт.

«**Истеъмолчи**» газ хўжалиги тезкор бошқармасининг телефонлари:-

«**Таъминотчи**»нинг манзили:Ибн сино кўчаси тел:35-31-400

4.6. «**Таъминотчи**» газ бериш қискартирилганлиги тўғрисидаги хабарни «**Истеъмолчи**»га газ қискартирилишига қадар камида 6 соат олдин етказиши керак. Магистрал газ қувурларида содир бўлган авария ҳолатлари бундан мустасно.

4.7. Қиш мавсумида, ҳамда магистрал газ қувурлари ишининг технологик тартиби бузилганида «**Таъминотчи**» газ беришни чегаралайди «**Истеъмолчи**» қўшимча заҳира-ёқилги турига ўтказиш жадвалларини ишга туширади. (26.05.2005й. 132сон Қарор)

5. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТЎХТАТИШ ВА УЗИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ.

5.1. Қуйидаги ҳолатларда «**Таъминотчи**» «**Истеъмолчи**» га газ беришни тўхтатади:

«**Истеъмолчи**» шартномада келишилган ҳажмдан ортик газ олса;

газ тармоқларига ўзбошимча равишда қўшимча газ усқуналари улаб олинган бўлса;

муддати ўтган дебиторлик қарздорликлари мавжуд бўлса;

газ олиш қодалари қўпол равишда бузилганида;

буюртма берган газ ҳажми учун олдиндан тўлов (аванс) тўланмаган бўлса;

5.2. Муддати ўтиб кетган қарздорликка эга бўлган газ истеъмолчиларини газ етказиб бериш тармоқларидан узиб қўйиш ва уларни газ тармоғига қайта улаш ҳаражатлари «**Истеъмолчи**» ҳисобига қопланади.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон Қарорининг 5-илловасида кўрсатилган корхоналарга ҳақи туланмаганлиги учун табиий газ беришни қискартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, табиий газ беришни тўлик узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.